

**Тил –
миллатнинг
тўнати**



«Кўп тилни билиш бир
қулфга тушадиган бир
неча калитга эга бўлиш
билан баробардир»

КУЧЛИ ДАВЛАТДАН — КУЧЛИ ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИ САРИ



ЖАМИЯТ

№ 39 (674)
2019 йил
11 октябрь,
Жума

Ижтимоий-сиёсий газета 2006 йил 31 августдан чоп этила бошлаган www.b... iyatgzt@mail.ru

«ОБОД қишлоқ»,
маҳалла»,
марказ»



**Нон
қимматлашадими?**

Тошкент декларацияси ёшлар ҳуқуқларини тўла таъминлайди

Ислom ҳамкорлик ташкилоти (ИХТ)га 1969 йил 25 сентябрда Марокаш пойтахти Рабатда ўтказилган Ислom давлатлари раҳбарларининг биринчи йиғилишида асос солинган. Бош қароргоҳи Саудия Арабистонининг Жидда шаҳрида жойлашган. Бугунги кунда 57 та мамлакат унинг аъзолари ҳисобланади.

ИХТ макони дунёдаги энг кўп ёшлар яшаётган ҳудуд ҳисобланади. Таҳминларга қараганда, 2050 йилга бориб бутун дунё ёшларининг учдан бир қисми ИХТ мамлакатларида истиқомат қилади. Бу мазкур ҳудудларда саноат, инновация ва тараққиёт борсидаги беқиёс салоҳият у имкониятлар мавжудлигидан дарак беради.

ИХТга аъзо давлатлар бундай улкан салоҳиятдан самарали фойдаланишлари учун ёшлар билан боғлиқ жиддий муаммоларни ҳал қилишлари

ри лозим. Ёшлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва рағбатлантириш бўйича мавжуд халқаро ва минтақавий механизмларни таҳлил этиш ҳам зарур. Пойтахтимизда «Тинчликсевар, демократик жамиятлар барпо этиш ва барқарор ривожланиш йўлида ёшлар ҳуқуқларини рағбатлантириш ва ҳимоя қилишнинг аҳамияти» мавзусидаги халқаро конференцияда шулар ҳуссида сўз борди.

Ўзбекистон Республикаси ҳукмати Ислom ҳамкорлик ташкилоти (ИХТ) Инсон ҳуқуқлари бўйича мустақил доимий комиссияси ва БМТнинг Инсон ҳуқуқлари бўйича Олий комиссари Бошқармаси билан ҳамкорликда ташкил этган мазкур 6-семинарда ташкилотга аъзо ва кузатувчи мақомидаги 50 дан зиёд давлатлардан экспертлар ҳамда ушбу мамлакатларнинг инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича миллий институтлари вакиллари қатнашди. Анжуманда, шунингдек, БМТ, ЮНОДС, ЮНЕСКО, ЮНИСЕФ, ЮНФПА, Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти, Европа Кенгаши, ШХТ, АЙСЕКО каби нуфузли халқаро ташкилотлар, қатор хорижий давлатларнинг Ўзбекистондаги элчихоналари вакиллари ҳам таширф буюрди.

Таъкидланганидек, мазкур талбир мусулмон оламидаги энг нуфузли ва самарали форум ҳисобланади. Ўзбекис-

тон ИХТга муқаддас ислom динини тинчлик ва тараққиёт, инсон ҳуқуқлари ва манфаатларини таъминлаш омили деб эътироф этадиган, ёшларни муносиб тарбиялашга, уларнинг ҳуқуқларини рағбатлантириш ва ҳимоя қилишга чақирадиган ташкилот сифатида қарайди.

Маълумки, 2016 йил октябрдаги ИХТга аъзо давлатлар ташқи ишлар вазирлари Кенгашининг 43-сессиясида Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Самарқанд шаҳрида Имом Бухорий халқаро илмий-тадқиқот маркази, шунингдек, Тошкент ислom университети таркибида Таълим, фан ва маданият масалалари бўйича Ислom ташкилотининг махсус кафедрасини ташкил этиш тўғрисидаги ташаббусни илгарти сурди. Айнан шу сессияда ИХТ Бош котибиятида ёшлар билан ишлаш учун масъул янги бўлинма ташкил этиш тўғрисида қарор қабул қилинди.

Давоми 2-саҳифада ▶▶

**ҚИСҚА
САТРАЛДАРДА
ЎҚИҢ!**

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги Давлат раҳбарлари кенгашининг навбатдаги мажлисида иштирок этиш учун 10 октябрь куни Ашхободга таширф буюрди.



«Ёшлар келажаги қонунга риоя этишдан бошланади»

Ёш ҳуқуқшунослар кенгаши томонидан амалга оширилган ижтимоий буюртма лойиҳа Олий Мажлис ҳузуридаги Нодавлат нотариат ташкилотлари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фонди маблағларини бошқариш бўйича Парламент комиссияси томонидан 2018 йилда давлат ижтимоий буюртмаси шаклида қўллаб-қувватланган. Лойиҳа қандай амалга оширилди? Кутилган натижаларга эри-

қилишдан бошланади» номли оммабоп қўлланма тайёрланиб, 5 минг нусхада чоп этилди ва ёшларга тарқатилди.

Қариндошга қиз берманг!

Маълумотларга қўра, мамлакатимиздаги никоҳларнинг 15 фоизидан кўпроги яқин қариндошлар ўртасида тузилади. Қариндошлик ришталари қанчалик яқин бўлса, носоғлом фарзанд туғилиши хавфи шунчалик юқори. Бола қай ҳолда туғилмасин, у барибир бебахо, ота-она учун азиздир. Чунки фарзанд билан бирга оилادا ширин умид ҳам туғилади. Аммо бола-

бўлган 40 нафар бола соғломлаштирилди. Бу каби хайрли ишдан мамнун бўлган болалар, уларнинг ота-оналари қатори биз ҳам бирдек қувондик. Бу эса кучимизга куч, ғайратимизга ғайрат қўшди.

Маълумот берилишича, жарроҳлик амалиётини ўтказиш учун 559,1 миллион сўм ижтимоий буюртма, 166,1 миллион сўм маблағлари сарфланди. Давлат ижтимоий буюртмаси молиявий кўмаги билан туғма юрак нуқсонли болаларни операция қилиш учун 109,4 миллион сўмлик хирургик тивув иплари харид қилинди. 45 миллион сўмдан ортиқ турли дори-дармон воситалари бепул тарқатилди.

Ирсий ва туғма касалликларнинг ол-

кур ННТ вакилларининг ҳам ҳисоботи эшитилди.

Навоий вилояти «Жонли табиат» биологик маркази «Бухоро вилояти махсус «Жайрон» питомнигида экологик тарбия ва унинг фаолиятини тарғибот ҳамда ташвиқот қилишга янгича инновацион усулларда ёндашиш тизимини шакллантириш» мавзусидаги ижтимоий лойиҳани ҳаётга таъбиқ этди. Таъкидланишича, лойиҳа доирасида «Жайрон» экомаркази ҳудудидаги Прежевал отлар, жайрон, қуллонларни сақлаш учун ўралган 500х500 м² майдонча таъмирдан чиқарилди. Питомник офисида кутубхона ташкил этилди.

У ҳақида ўзбек, рус ва инглиз тилларида

3 хил плакат, 5 хил тарқатма материал тайёрланди. Питом-

никнинг сайти даврий равишда ишлаш тизими яратилди. «Жайрон» экомарказини тарғиб қилиш бўйича 5 минг нусхадан ортиқ буклетлар чоп этилиб, тарқатилди.

Парламент комиссияси аъзолари мазкур ННТларнинг ижтимоий буюртма доирасида олиб борган фаолиятини ижобий баҳолади. Йиғилиш шу хулоса билан яқунланди.

Юқорида қайд этилган ижтимоий лойиҳалар ўз якунига етди. Бироқ мазкур ННТнинг эзгу ишлари, хайрли ташаббуслари, аҳолига беражак беминнат ёрдамлари асло ниҳоясига етмайди. Зеро, қайбда меҳр-мурувват бўлса, унинг адоғи бўлмайди.

Бахринос МАДУМАРОВА,
«Жамият» мухбири

Хайрли ташаббусларнинг охири бўлмайди

шилдими? Парламент комиссиясининг навбатдаги йиғилишида буларнинг бари сарҳисоб қилинди.

Ёш ҳуқуқшунослар кенгаши раиси Баҳром Илҳомжоновнинг айтишича, лойиҳа доирасида 2018-2019 йиллар давомида 20 та маҳалла фуқаролар йиғинида «Хуқуқий маслаҳатхона» бурчати ташкил этилди. Аҳолига бегараз хуқуқий ёрдам кўрсатишга қаратилган «yosh_huquqshunoslar@gmail.uz» электрон мазили ишга туширилди. Ушбу манзилга йўлланган 120 дан ортиқ мурожаатга тегишли тартибда жавоб берилди. Ўзбекистон ёшлар иттифоқи ва кенгаш томонидан олиб борилаётган ишларни кенг жамоатчиликка етказиш мақсадида «uzhuk.uz» сайти, ижтимоий тармоқларда эса «Yuridik axborot» номли канал ва саҳифа ишга туширилди. «Ёшлар келажаги қонунга риоя

нинг қандай аҳволда дунёга келиши кўп жиҳатдан ота-онага боғлиқ.

«Соғлом авлод учун» ҳуқуқматта қарашли бўлмаган халқаро хайрия фондининг «Она ва бола саломатлиги — миллат келажаги ва мамлакат бойлиги» лойиҳасида шу каби ғоялар илгари сурилган.

— Лойиҳа доирасида болалиқдан ногиронлиқнинг олдини олиш, туғма ва ирсий касалликларни барвақт аниқлаш, кам таъминланган оилаларда туғма юрак хасталиги билан туғилган болаларни (ногирон бўлган болаларни) даволашга кўмаклашиш мақсад қилинган эди, — дейди «Соғлом авлод учун» ҳуқуқматта қарашли бўлмаган халқаро хайрия фонди бўлим бошлиғи Эркин Абдуллаев. — Бу эзгу ишга эришилди ҳам. Хуеусан, «ЭРА МЕД» МЧЖ кўшма корхонаси клиникасида жарроҳлик амалиёти асосида туғма юрак нуқсонли

дини олиш мақсадида Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳамда Хотин-қизлар кўмитаси ҳамкорлигида «Эрта никоҳнинг салбий оқибатларини биласизми?», «Гўдак — бебахо неъмат», «Қариндошга қиз берманг», «Тиббий генетик маслаҳат» мавзусида 10 минг донга буклет тайёрланди.

«Жайрон» питомнигида янги кутубхона

Ўтган йили Олий Мажлис ҳузуридаги Нодавлат нотариат ташкилотлари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фондининг давлат ижтимоий буюртмаси танловида голиб бўлганлар сафида Навоий вилоятидаги «Жонли табиат» биологик маркази ҳам бор. Йиғилишида маз-

Суд очерки

дабурон «тадбиркор» Сирғали туманидан 110, Олмазор туманидан 70 сотих ер майдонини хариталарини кўрсатиб, ушбу жойлар унга берилаётгани ҳақида навбатдаги ёлғонини тўқийди. Лекин бу сафар унинг ёлғонлари узоққа чўзилмайди. Улар олмоқчи бўлган ер аллақачон бировнинг номига расмийлаштирилганидан О.Алиев хабар топади. У фирибгарга алданганини билиб, Тошкент шаҳар ИИБга мурожаат қилади.

Ҳар бир ишнинг ўз интиҳоси бор. Эзгуликнинг охири яхшилик билан, ёмонлик, қинғирликнинг ниҳояси эса, албатта, жазо билан тугайди.

Мазкур жиноят иши ўрганилиб, Д.Каромов Ўзбекистон Республикаси Жиноят Кодексининг 168-моддаси 4-қисми «а» банди билан айбдор деб топилди. 8 йил муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланди.

Жабранувчи фойдасига 350 минг 400 доллар миқдоринда моддий зарар ҳукм эълон қилинган кундаги Ўзбекистон Республикаси миллий банкнинг расмий қийматида — миллий пул қирлиги (сўм)да ундирилиши қонуан белгиланди.

Темур КАСИМОВ,
Жиноят ишлари бўйича
Тошкент шаҳар
Яккасарой тумани суди
судьяси

Инсоф чегарасидан чиқманг!

Ўмарилган қилдай нарса эртага арқондай бўлиб чиқиб кетиши бор гап. Энг ёмони, бундай нобоп ишлар одамлар орасидаги оқибатни кўтарди, ишонччи сўндирди. Баракадан айиради. Ишончдек буюк неъматни сўндирди. Инсоф чегарасидан ўтганлар эса кун келиб, албатта, қилмишига яраша жазосини олади.

Ориф Алиев (исм-шарфлар ўзгартирилган) Дилшод Каромов билан Шохруҳ исмли ошнаси орқали таниш. Улар давраларда кўп ҳамсуҳбат бўлгани учун бир-бирига буткул ишоншади. Аммо бу ишончнинг умри боқий бўлмади. Боиси Д.Каромов та-

нида жойлашган ер-жойларни ўрнига компенсация тариқасида Яккасарой тумани Бобур кўчасида жойлашган кичик саноат ҳудудидан 70 сотих ер майдони ажратилаётгани, аммо тадбиркорлигини бошлаш учун ўзида етарли миқдорда маблағ йўқ-



фирмасига ажратилаётган ер майдони ҳақида ҳокимнинг қарори бор-йўқлигини сўрайди. Улдабурон ошнаси эса ҳокимнинг қарори 2-3 кун ичида имзоланиши, ернинг ҳужжатлари узоғи билан бир ҳафтада тайёр бўлишини айтади.

Шундан сўнг 2018 йилнинг 2 октябрь куни Яккасарой туманидаги кафеларнинг бирида Д.Каромов О.Алиевдан аввал 200 минг доллар, орадан бир ҳафта ўтар-ўтмас 400 доллар олади. 5 декабрь куни улар

яна шу иш юзасидан учрашишади. Бу сафар эса Д.Каромов танишидан 150 минг доллар, жами 350 минг 400 доллар миқдоридаги пулини олиб, берган ваъдасини унутади.

Орадан анча вақт ўтган бўлса-да, ажратиладиган ердан дарак бўлмайди. О.Алиев Д.Каромовдан берган пуларининг ҳисобини сўраганда, пулнинг бир қисmini архитектор ва лойиҳа харажатлари учун сарфлаганини айтади. Аммо иш ҳадеганда ҳал бўлавермайди. Жабранувчи пуларини талаб қилавергач, уд-

Орадан анча вақт ўтган бўлса-да, бироқ ажратиладиган ердан дарак бўлмайди. О.Алиев Д.Каромовдан берган пуларининг ҳисобини сўраганда, пулнинг бир қисmini архитектор ва лойиҳа харажатлари учун сарфлаганини айтади. Аммо иш ҳадеганда ҳал бўлавермайди. Жабранувчи пуларини талаб қилавергач, уд-

нишни О.Алиевнинг ҳақида хиёнат қилди.

Кунларнинг бирида у Ориф Алиевга «Олмазор бизнес сити» қурилиши муносабати билан ўзи раҳбарлик қилаётган «A'LO-ALI AX» МЧЖнинг Олмазор туманида

лигини айтади. Биргаликда ушбу ер майдонида мехмонхона ва кўп қаватли уй қуришни ҳамда жамиятга 50% лик таъсисчи бўлиб киритиб, биргаликда меҳмонхонани бошқаришни таклиф қилади. Шунда О.Алиев унинг

Олий Мажлис Сенати кўмиталари ва комиссиясининг мажлислари бўлиб ўтди. Уларда парламент юқори палатасининг йигирма учинчи ялпи мажлиси муҳокамасига киритилган масалалар дастлабки тарзда кўриб чиқилди.

Бизда шифокорлар етишмайди

«Халқимиз эртага эмас, узоқ келажакда эмас, айнан бугун ўз ҳаётидан рози ва мамнун бўлиб яшаши керак.»
Президентимиз илгари сурган ушбу фикр асосида мамлакатимизда аҳоли турмуш фаровонлигини юксалтириш йўлида кенг қўлмали ишлар амалга оширилмоқда.

лари етарли бўлган тиббий муассасаларда малакали ходимлар ишламаса, тиббий хизматдан одамларни рози қилиш қийин.

Республикаимиз вилоят ва туманларида шифокорлар билан таъминланиш даражаси

ўрганилганда жиддий етишмовчиликлар мавжудлиги ойдинлашди. Масалан, 2018 йил ҳисоботларига асосан республикаимиз бўйича мавжуд шифокорлик бўш иш ўринлари 12 фоизни ташкил этган. Сурхон-

дарёда бу кўрсаткич 23,7 фоиз, Сирдарё вилояти бўйича 21,5 фоиз, Жиззах вилояти бўйича 20 фоиздан ортқироқдир.

Агар туманлар кесимида кўрилса, янада жиддийроқ рақамларга дуч келамиз. Ми-

норозилигининг ошиб бораётгани, беморларнинг яқинлари ва шифокорлар ўртасида турли низолар келиб чиқаётгани бўйича мисоллар оз эмас. Бундай кўнгилсиз воқеаларнинг сабабларидан бири ҳам айнан жойларда тиббий кадрлар етишмовчилиги, кам сонли шифокорларга иш юклагасининг йиллар давомида юқорилигича қолаётгани билан боғлиқ.

Мазкур муаммони орқага суриб бўлмайди. Қишлоқлардаги тиббиёт муассасаларини кадрлар билан таъминлаш, бунинг учун уларга уй-жой бериш, бошқа қулайлик ва имтиёзлар жорий этиш бўйича дастур ишлаб чиқиши керак.

Шифокорлар етишмайдиган туманларда ушбу лавозимни ёш мутахассислар учун жозибадор қилиш чораларини кўриш вақти келди. Тиббиёт олийгоҳларини битирган мутахассислар маоши 900 минг сўм атрофидалигини инобатга олсак, уларга маҳаллий бюджет ҳисобидан имтиёзлар берилиши муаммони ечишга ёрдам бериши мумкин. Масалан, шифокорлар етишмайдиган туманларда устама ҳақ белгила-ниши, уй-жойларнинг бирламчи тўловсиз имтиёзли кредитга берилиши каби энгилликлар кадрлар танқислигини камайтиришда муҳим аҳамиятга эга.

Шунингдек, туман, шаҳар ҳокимларининг тавсиялари асосида маҳаллий ёшларни тиббиёт олийгоҳларига ўқитишни ташкил этиш орқали муаммони ҳал этишга эришиш мумкин.

Мамлакатда аҳолига сифатли тиббий хизмат кўрсатишни янада яхшилаш, узоқ қишлоқ жойлардаги тиббий муассасаларни малакали кадрлар билан таъминлаш фақат Соғлиқни



Аҳолини банклар «ҳамласи»дан қутқарамиз!

Ипотека кредити асосида уй-жой харид қилиб, уни тўлай олмайсизми? Кредитингизни тезроқ тўланг, ой ниҳоясига етляпти, дея банк ходимларининг кўнғироқ қилишидан чўчиясизми? Бу муаммони ечиш учун кимдандир яна қарз олишингиз шарт эмас. Чунки «Адолат» социал-демократик партияси халқимизни қийнаётган мазкур муаммони бартараф этиш бўйича амалий ташаббусга қўл урди.

Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги «Адолат» СДП фракциясининг бир гуруҳ депутатлари томонидан қонун ташаббускорлиги ҳуқуқларидан фойдаланиб, «Ипотека тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 10-моддасига қўшимча киритиш тўғрисида»ги қонунни лойиҳаси тайёрланмоқда.

Мазкур қонун лойиҳаси уй-жой харид қилиш учун жалб этиладиган ипотека кредитлари фуқароларнинг кўп йиллик меҳнат фаолиятини қамраб оладиган, узоқ муддатли ва қатъий мажбурият эканини инобатга олиб ишлаб чиқилмоқда.

Бугунги кунда фуқароларга ипотека кредитларини бериш билан деярли барча тижорат банклари шуғулланмоқда. Хусусан, тижорат банклари томонидан 2017 йилда 2 триллион 826 миллиард сўмлик 25 970 та, 2018 йилнинг 1 август ҳолатига кўра 1 триллион 250 миллиард сўм миқдоридан 13 930 та ипоте-

ка кредитлари ажратилган. Депутатлар таҳлилга қараганда қонун ҳужжатлари ва амалиётни ўрганиш мазкур соҳа мамлакатимизда ҳали талаб даражасида ривожланганини кўрсатмоқда. Бунинг

« Ишлаб чиқиладиган Қонун лойиҳасида ипотека олувчи мажбуриятларини бажаришига касаллиги ёки ишдан бўшагани ёхуд фарзанд кўргани учун таътилдалиги сабабли имконияти чекланган ҳолатларда тўловлар учун таътилллар (ипотека таътиллари) берилиши кўзда тутилган. Бунда таътилллар миқдори уч ойдан ортқ бўлмаган муддатга, лекин ипотека даврида уч мартагача берилиши, бироқ бир йилда бир марта кечиктириш ҳуқуқи шартноманинг шартиди кўрсатилиши белгиланмоқда. »

асосий сабабларидан бири ипотека кредитларини бериш тартиби ва шартлари фуқароларга бир қанча қийинчиликларни юкляётганидир. Масалан, ипотека кредитини олишдан олдин сотиб олинаётган уй-жой нархининг 10 фоиздан 25 фоизгача олдиндан тўлаб бериш мажбурияти қўй-

илгани кредит олингандан сўнг уни олган шахснинг, айниқса, ижтимоий ҳимояга муҳтож бўлганлар моддий аҳволининг маълум сабабларга кўра ўзгаргани муносабати билан кредит шартларини қайта кўриб чиқиш (реструктуризация қилиш) имконияти мавжуд эмас. Бу эса фуқаролар манфаатлари талаб даражасида таъминланмаётганидан далолат.

Ишлаб чиқиладиган қонун лойиҳасида ипотека олувчи мажбуриятларини бажаришига касаллиги ёки ишдан бўшагани ёхуд фарзанд кўргани учун таътилдалиги сабабли имконияти чекланган ҳолатларда тўловлар учун таътилллар (ипотека таътиллари) берилиши кўзда тутилган. Бунда таътилллар миқдори уч ойдан ортқ бўлмаган муддатга, лекин ипотека даврида уч мартагача берилиши, бироқ бир йилда бир марта кечиктириш ҳуқуқи шартноманинг шартиди кўрсатилиши белгиланмоқда.

«Адолат» СДП депутатлари томонидан таклиф этиладиган мазкур қонун лойиҳаси ипотека кредити олган истеъмолчилар, халқимиз иқтисодийотини ва фаровонлигини барқарорлаштиришда муҳим омил бўлиб хизмат қилади.

«Адолат» СДП Матбуот хизмати.

сол учун, Қорақалпоғистон Республикасининг Тахиятош туманида 33 фоиз, Жиззах вилоятининг Бахмал ва Мирзачўл туманларида 36 фоиз, Янгиобод туманида 57 фоиз, Қашқадарё вилоятининг Миришкор туманида 40 фоиз, Навоий вилоятининг Томди туманида 59 фоиз, Самарқанд вилоятининг Каттакўрғон туманида 33 фоиз, Сайхунобода 36 фоиз, Сурхондарё вилоятининг Музработ туманида 45 фоиз, Қизирик туманида 41 фоиз, Тошкент вилоятининг Бўстонлик туманида 38 фоиз, Фаргона вилоятининг Тошлоқ

« Мамлакатда аҳолига сифатли тиббий хизмат кўрсатишни янада яхшилаш, узоқ қишлоқ жойлардаги тиббий муассасаларни малакали кадрлар билан таъминлаш фақат Соғлиқни сақлаш вазирлигининг вазифаси эмас, балки жамиятнинг ижтимоий муаммосидир. Шунинг учун барча мутасадди ташкилотлар ушбу муаммони ҳал қилишда фаол иштирок этиши керак. »

туманида 43 фоиз шифокорлик иш ўринлари бўш экан.

Бу рақамлар кишини чуқур ўйга толдиради, жиддий хавотирга солади. Чунки ҳар бир вилоятда шифокорларга эҳтиёж бор. Бўш иш ўринларининг асосий қисмини амбулатор поликлиника муассасалари ташкил этади.

Юқорида қайд этилган туманларда аҳолини малакали тиббий хизмат билан таъминлашнинг иложи йўқлиги яққол сезилиб турибди. Туманлардаги муассасаларда фаолият юритаётган шифокорлар бир неча мутахассис вазифасини бажаришга мажбур. Бу эса тиббий хизмат сифатига жиддий таъсир кўрсатади. Жойларда аҳолининг шифокорлардан

сақлаш вазирлигининг вазифаси эмас, балки жамиятнинг ижтимоий муаммосидир. Шунинг учун барча мутасадди ташкилотлар ушбу муаммони ҳал қилишда фаол иштирок этиши керак.

Халқ демократик партияси Сайловолди дастурида ана шу йўналишда ўз тақлифларини илгари сурмоқда. Чунки шифокор кадрларга шариот яратмасдан, аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш ҳақида баландпарвоз гаплар айтишга ҳақимиз йўқ.

Мақсуда ВОРИСОВА,
Ўзбекистон ХДП Марказий
Кенгаши раиси ўринбасари,
Олий Мажлис
Сенати аъзоси



Ўзбекистон Республикаси ИИВ Жамоатчилиги ва оммавий ахборот воситалари билан алоқалар бошқармаси бошлиғи – ички ишлар вазирининг матбуот котиби лавозимида полковник Шохрух Камолиддинович Гиёсов тайинланди.

Тошкент декларацияси

ёшлар ҳуқуқларини тўла таъминлайди

◀ Давоми. Бошланиши 1-саҳифада

Бундан ташқари, 2017 йил сентябрь ойида Остона шаҳрида бўлиб ўтган ИХТ саммитида Ўзбекистон Республикаси Президенти Тошкент шаҳрида Ислом маданияти маркази ва Ўзбекистонда Ёш олимлар учун Халқаро ислом маркази ташкил этишни таклиф қилди. Ҳозирги вақтда Таълим, фан ва маданият масалалари бўйича ислом ташкилоты томонидан Бухоро шаҳрини ислом маданияти пойтахти этиб эълон қилишга бағишланган тадбирларга қизгин тайёргарлик кетмоқда.

Шунингдек, тадбирда глобаллашув даврида янги таҳдидлар пайдо бўлиши, ёшлар билан ишларни асосий устуворликлар ва зарур вазифаларга эътибор қаратган ҳолда биргаликда олиб бориш зарурлиги таъкидланди.

Шу муносабат билан Ўзбекистон Республикаси Президентининг БМТ Бош Ассамблеясининг 72-сессиясида глобаллашув ва ахборот-коммуникация технологиялари жадал ривожланиётган шароитда ёшларга оид сиёсатни шакллантириш ва амалга оширишга қаратилган ягона халқаро ҳуқуқий ҳужжат — БМТнинг Ёшлар ҳуқуқлари тўғрисидаги конвенциясини ишлаб чиқиш бўйича таклифи муҳимлигига уруғ берилди.

Анжуманда ИХТга аъзо мамлакатлар ёшлари ўз ҳуқуқларидан тўла фойдаланишида дуч келадиган асосий

муаммоларга эътибор қаратилди. Қатнашчилар ўз мамлакатлари ёшларига доир давлат сиёсати ва жорий дастурлар таҳлили бўйича хулосаларини тақдим этди.

Семинарнинг иккинчи кунги комиссия аъзолари анжуманнинг яқунловчи ҳужжати лойиҳасини муҳокама қилди. Халқаро анжуман ялпи мажлисида ИХТ Инсон ҳуқуқлари бўйича мустақил доимий комиссияси раиси Акмал Саидов тақдим этган яқуний ҳужжат — Ислом ҳамкорлик ташкилотига аъзо мамлакатларда ёшлар ҳуқуқлари тўғрисида Тошкент декларацияси қабул қилинди.

Тошкент декларациясида халқаро даражада ва ИХТга аъзо мамлакатлар томонидан ёшлар ҳуқуқларини тўла таъминлаш йўлида келгусида амалга ошириладиган муҳим ташаббуслар баён этилган.

Маъмур ҳужжатда акс этган Ўзбекистон Республикаси томонидан инсон ҳуқуқлари соҳасида илгари сурилган ташаббуслар барча аъзо давлатлар, нуфузли халқаро ташкилотлар томонидан эътироф этилди.

— Тошкент семинарининг мавзуси нафақат иштирокчи давлатлар, балки БМТ учун ҳам жуда долзарб, — дейди **халқаро эксперт, БМТ Инсон ҳуқуқлари бўйича Олий комиссияси бошқармаси вакили Жорж Харонис**. — Зеро, БМТ

сўнги йилларда ёшлар масаласига алоҳида эътибор қаратмоқда ва бу борада кенг қамровли ишлар олиб бормоқда. Жумладан, яқинда тапшиқлотнинг ёшлар масаласига оид стратегияси қабул қилинди. Биз турли давлатларда маъмур стратегия ижроси доирасида ёшларни қўллаб-қувватлаш бўйича амалга оширилаётган ишларни кузатиб бораёмиз. Эътиборлиси, бугунги кунда Ўзбекистонда олиб борилаётган ёшлар сиёсати БМТ тамойилларига тўла мос келади. Биз Ўзбекистон билан ҳамкорликни янада кенгайтиришдан манфаатдормиз. Ҳайратангизки, Ислом ҳамкорлик ташкилотига аъзо мамлакатлар ўртасида алоқаларни ривожлантириш йўлидаги бундай саъй-ҳаракатлар ўз самарасини беради.

Қатнашчилар Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Бирлашган Миллатлар Ташкилоты Бош Ассамблеяси 72-сессиясида илгари сурган БМТнинг Ёшлар ҳуқуқлари тўғрисидаги халқаро конвенциясини қабул қилиш тўғрисидаги ташаббусини қўллаб-қувватлади.

Ислом таълимоти ва халқаро инсон ҳуқуқлари меъёрларига мувофиқ, ёшлар ҳуқуқларини теран идрок этишни рағбатлантириш учун ташкилотга аъзо давлатлар ва ИХТ Инсон ҳуқуқлари бўйича мустақил доимий комиссияси ўртасида ҳамкорлик алоқаларини янада ривожлантириш зарурлиги таъкидланди.

Баҳринисо МАДУМАРОВА,
«Жамият» мухбири

Мажбурий ижро бюроси фаолиятдан

Фирибгарлар найранги фош бўлди

Каттақўрғон тумани «Дўстлик» маҳалласида яшовчи фуқаро Қ.Таджиева Мажбурий ижро бюроси туман бўлимига мурожаат қилди.

Унинг аризаси юзасидан ўтказилган текширув ҳаракатлари давомида Самарқанд вилояти бўйича газ таъминоти ҳудудий филиалига қарашли туманлараро 4-сонли газ таъминоти участкаси туман ҳудудининг газ ускуналарини таъмирлаш ва ишлаш бўйича чилангарлари Элбек Холиқов, Фарҳод Мусурмонов, Азамат Ташановлар олдиндан жиноий тил бириктирди. Улар алдаш ва ишонччи суистеъмол қилиш йўли билан ўзганинг мулкани қўлга киритиш мақсадида Қ.Таджиеванинг хонадонига табиий газдан фойдаланиш аҳволини кўриқдан ўтказиш учун боришган.

Элбек Холиқов ўзини «Мажбурий ижро бюроси ходими» деб таништирди. У Қ.Таджиеванинг аризасига асосан 2014 йил март ойида хонадонда табиий газ тармоқдан узилганини билган. Хизмат вазифасига кирмасида, хонадонни табиий газ тармоғига улаш учун энг кам ойлик иш ҳақининг 2 баравари миқдорига қайта улов тўлови учун Қ.Таджиеванинг пластик картасидан 420 минг сўмни «Click» дастури орқали ўзининг пластик картасига ўтказган.

Хонадон соҳибасининг ишончига кириш

учун Элбек газ ҳисоблаш ускунасини қиёсловдан ўтказиш учун ўрнатилган жойидан сечиб берган.

Шундан сўнг Азамат Ташанов фуқаро Қ.Таджиеванинг хонадонига ҳақиқатда фойдаланилмаган табиий газ учун 1 дона газ плита билан 2 дона иситиш печларини йиллик кўриқдан ўтказилгани тўғрисидаги далолатномани тузиб берган.

Элбек пластик картасига тушган 420 минг сўмдан туманлараро 4-сонли газ таъминоти участкаси туман ҳудуди кассасига 102 минг сўмни тўлов қилиб, қолган 318 минг сўмни шерикларига тақсимлаган.

Текширув ҳаракатлари давомида бу йигитлар ўз айбларига иқдор бўлиб, фуқаро Қ.Таджиевадан фирибгарлик йўли билан қўл киритган 420 минг сўмни ихтиёрий равишда қайтарган. У тегишли тартибда ҳужжатлаштириб олинган.

Маъмур ҳолат юзасидан Мажбурий ижро бюроси Каттақўрғон туман бўлими томонидан уларга нисбатан Ўзбекистон Республикаси Жиноят Кодексининг 168-моддаси 2-қисми «б» банди билан жиноят иши қўзғатилиб, Каттақўрғон туман прокуратурасига юборилган.

Шоҳруҳ ТОШПҲЛАТОВ,
Мажбурий ижро бюроси Самарқанд вилоят бошқармаси катта инспектори

Нон қимматлашадими?



Инсон учун яратилган энг улуғ неъматлардан бири — нон. Айрим неъматларни бир ҳафта ёки бир ой истеъмол қилмай юриш мумкин. Лекин нонсиз яшашни тасаввур этиш қийин. У халқимиз учун энг азиз ва дастурхонидан узилмайдиган маҳсулот. Мана шу азиз неъматнинг нархи кўтарилишига оид ижтимоий тармоқларда кўп қамалар бўлмоқда.

— Халқимиз учун ноннинг қадри нақадар юксаклиги барчамизга маълум, — дейди **Анджон вилояти давлат солиқ бошқармаси бош инспектори Зухраҳон Муллажонов**.

— Шунинг билан олган ҳолда **Вазирлар Маҳкамасининг** 2019 йил 30 сентябрда «Донни қайта ишловчи корхоналар ва қолипчи нон ишлаб чиқарувчиларни янада қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори эълон қилинди. Унга кўра, маҳаллий дондан фойдаланган ҳолда ишлаб чиқарилган нон асосида қолипчи нонни тайёрлаш ва сотиш 2020 йилнинг 1 июлигача қўшилган қиймат солиғидан озод қилинди. Аёнки, бундай имтиёз корхоналарнинг нонни ўзгармаган нархда сотишини кафолатлайди.

Демакки, ноннинг нархи кўтарилмайди. У шу пайтга қадар қандай қийматда сотилган бўлса, бундан кейин ҳам шундай давом этади, деганидир. Аниқ мисолга ўтсак, Анджон шаҳридаги «Тошкент Премия» масъулияти чекланган жамияти бугунги кунда 2 тоннага яқин маҳаллий урни қайта ишлаб, 5 мингтага яқин сифатли қолипчи нонни шаҳардаги 30 дан ортиқ дўконга етказиб бераётир. Ҳар бир ноннинг оғирлиги 520 граммни ташкил этади.

— Янги қарор фақат бизнинг эмас, аҳоли манфаатлари ва эҳтиёжларини инобатга олиб, қабул қилингани билан аҳамиятли, — дейди **жамият раҳбари Ғуломжон Аҳме-**

дов. — Биринчидан, қўшилган қиймат солиғидан озод этилишимиз туфайли корхонамиз ҳар ойда ўртача 8 миллион сўм маблағни тежаб қоларкан. Аҳоли эҳтиёжларини ҳисобга олиб, биргина бизнинг корхонамиздан давлат шунча маблағдан воз кечяпти. Шундай экан, ноннинг нархини кўтаришимизга ҳеч қандай асос йўқ. Қайтага, уни халқимиз учун энг қулай нархда тақдим этишимиз жоиз. Йил бошидан буюн дўконларга қанчадан бераётган бўлсак, ҳамон ўша нархда — минг сўмдан етказиб бераямиз.

— Ҳар кун ишдан қайтишда дўконга кириб, албатта, нон сотиб олам, — дейди **Ойбек Қодиров**. — Ноннинг нархи ўзгаргани йўқ. Утган, ундан аввалги ойларда ҳам шу нархда олардим. Ҳозир ҳам шундай.

«Нон қимматлашаркан», деганга ўхшаш гаплар асоссиз. Кўриниб турибдики, асосий исътеъмол маҳсулотнинг нархида ҳеч қандай ўзгариш йўқ. «Тириклик ва ризку насиба» деб таърифланган нон ишлаб чиқарувчиларини ҳукуматимиз қўллаб-қувватлаб, уларга имтиёзлар тақдим этиб, нарх-наво ошиб кетишига чоралар кўраётган экан, биз ҳам азиз неъматнинг ушогини-да қадрламоғимиз керак.

Дилмурод ПАРШИЕВ,
Анджон вилояти давлат солиқ бошқармаси жамоатчилик билан алоқалар ва ҳуқуқий ахборот шўбаси катта инспектори




Европада ҳавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилоти (ЕХХТ) иштирокчи мамлакатларининг Вена шаҳридаги доимий вакилларидан иборат делегация мамлакатимизга келди.

Тил — миллатнинг тийнати

Тарих гилдираги учун кўз юмиб очгучалик ҳам бўлмайдиган ўта қисқа фурсат олдин «ўзбек тилига давлат тили мақоми берилиши керакми-йўқми?» деган масала кенг муҳокама қилинган ва «ўзбек тилига Давлат тили мақоми берилиши шарт эмас», «зуллисонайн (икки тилли) бўлайлик», «кўп тилли бўлсак, ундан ҳам яхши» қабиладаги қатор «доно» фикрлар беллашувидан, айтиш мумкинки, виждони уйғоқ зиёлиларимизнинг (асосан шоир-ёзувчилар, журналистлар) ошкора ва матонатли курашидан кейингина тилимизга Давлат тили мақоми бериш ҳақида қонун қабул қилинган эди.

Бу жумладаги «инсонни» сўзининг ўрнига «миллатни» сўзини қўйиб ўқиш ҳам мумкин. Чунки миллатни миллат қилиб турадиган халқдир. Халқнинг тийнати (қалби, табиати, тийнатидир. Бу фикрлар куни кеча Президентимизнинг «Ўзбекистон Республикасининг «Давлат тили ҳақида»ги Қонунни қабул қилинганининг ўттиз йиллигини кенг нишонлаш тўғрисида»ги қарориди ҳам алоҳида таъкидлаиб, жумладан, шундай дейилди: «...ўзбек тили халқимиз учун миллий ўзлик ва мустақил

куйдаги ҳикоят ҳаёлимда бот-бот айланди: «Шундоқ эшитибманки, Шайх Шиблий бир кун бир мачитта борди ва икки ракат намоз ўқиб, бир вақт осойиш топди. Ул мачитда ёш ўғлонлар жам бўлиб, китоб ўқир эрдилар. Ўғлонларнинг таом ейдигон вақтлари бўлиб қолди. Буларнинг орасида бир бойнинг ўғли ҳам бор эрди ва бир фақирнинг ҳам ўғли бор эрди. Бойнинг ўғли олдида ҳалво, фақирнинг ўғли олдида қуруқ нон эрди. Бойнинг ўғли унга деди: «Агар ҳалво емас тиласанг, менинг итим бўл, шун-



давлатчилик тимсоли, бебаҳо маънавий бойлик, мамлакатимизнинг сиёсий-ижтимоий, маънавий-маърифий тараққи-

дан сўнг ҳалво берарман». Фақирнинг ўғли деди: «Мен сенинг итингман». Бойнинг ўғли деди: «Шундоқ бўлса, итдек хуртил».

Орадан қарийб ўттиз йил ўтса-да, ўша ҳолатларни кўмсовчилар, афсуски, ҳали ҳам бор экан. Йўқса, шу йил ёзда собиқ шўролар давлатининг

« Демак, тил мавқеининг пасайиши миллат вакиллари миллий ўзлиги, миллий ғурур, ор-номусининг ҳам пасайишига олиб келади. Мабодо ташаббускорлар фикри амалга ошганида, тил сиёсатида орқага қайтиш бўлар ва бу мутлақо мумкин эмас эди. »

«беминнат» тузини еб катта билан бир ғурух «зиёлилар» ижтимоий тармоқларда «Давлат тили ҳақида»ги Қонунга ўзгартиш киритиш, рус тилини ҳам Давлат тили мақоми даражасига кўтариш ҳақидаги таклифни илгари сурармиди? Улар бундай «доно» фикрга ўз-ўзидан келиб қолган эмас, албатта.

Маълумки, ҳар бир халқнинг ўзига хос миллий тафаккур тарзи мавжуд бўлиб, бу бевосита тил билан боғлиқ. Ҳар бир халқ дунёни ўзича кўради, эшитади, завқланади. Улуғ донишманд шоир ва мутафаккир Жалолиддин Румий бу ҳақда шундай ёзди: Инсонни танимоқчи бўлсанг, уни гапга сол: сўздан унинг ким эканлигини билиб оласан.

«ётида гоаят муҳим ўрин эгаллаб келатган буюк қадриятдир...»

Демак, тил мавқеининг пасайиши миллат вакиллари миллий ўзлиги, миллий ғурур, ор-номусининг ҳам пасайишига олиб келади. Мабодо ташаббускорлар фикри амалга ошганида, тил сиёсатида орқага қайтиш бўлар ва бу мутлақо мумкин эмас эди.

Тўғри, ўзбек халқи азалдан бағрикенг, меҳмондўстлиги билан ажралиб туради. Аммо бу бағрикенглик унинг андишали экани билангина боғлиқ, ҳолос. Уни асло қўрқоқлик билан адаштириб қўймаслик керак.

Ташаббускорларнинг «доно» таклифларидан хабар топган кунларимда XI асрнинг ноёб ёдгорлиги «Қобуснома» асарида келтирилган

қараб йиллар эрди. Бир куни муридлари ундан сўрадилар: «Эй шайх, не важдин йилларсан?». Шайх деди: «Кўрдингларки, беқаноатлик ва тамағирлик одамнинг бошига не савдолар солур. Агар бу ўғлон қуруқ нонга қаноатли бўлиб, ундан ҳалво тиламаса эрди, ўзидек бир ўғлоннинг ити бўлмасди...»

Бу ҳикоятдан қандай ҳудоса чиқариш ҳар кимнинг ўзига ҳавола. Аммо биз бир ганини бот-бот такрорлашдан чарчамаймиз: тил — миллатнинг тийнати. Тилни асраш — миллатни, ғурурни, номусни асрашдир.

Сиддиқ МЎМИН,
Фаргона давлат университети профессори
ЎЗА.

Яратган инсонларга чексиз неъматларни инъом қилган. Уларнинг ичида энг буюғи, афзали, нодир бўлган неъматлардан бири — тил (сўзлаш, нутқ) неъматидир. Ушбу неъматни қандай ишлатиш керак, уни нималар билан машғул қилмоқ лозим, бу борада ҳам кўп тавсиялар ва кўрсатмалар берилган.

«Кўп тилни билиш бир қулфга тушадиган бир неча калитга эга бўлиш билан баробардир»

Дунё тилларининг орасида биз учун энг қадрлиси бўлган ўзбек тилининг ибтидо-си эрамининг илк асрларига бориб тақалади. Тилимизнинг келиб чиқиши шунчалар муҳташам экан, унинг умри ҳам боқийдир. Аммо уни глобаллашувнинг нодураст таъсирларидан сақламоқ, бегона ва нописанд муомалалардан асрамоқ ҳар биримизнинг тил олдидаги ҳам ақлан, ҳам қалбан бажаришимиз лозим бўлган қарзимиздир.

Маърифатпарвар шоир Аваз Утарнинг «Ҳар тилни билув энди бани одама жондур, тил воситаи робитаи оламиёндур» деб бошланувчи машхур сатрлари бор. Тилнинг дунёни билишдаги энг асосий воситалигини англаган юртдошларимиз, ёшидан қатъий назар, хорижий тилларни астойдил ўрганмоқда. Бунинг учун юртимизда имкониятлар кенг. Ҳусусан, таълим бошқа тилда олиб бориладиган мактабларда ўқувчилар ўз она тили билан биргаликда иккинчи тил сифатида ўзбек тилини ҳам ўрганиб келмоқда.

Бизнинг мактабда ҳам тожикзабон ўқувчилар таҳсил олади. Ўқувчиларнинг ўзбек тилида равон ва ифодали сўзлаши, мулоқот жараёнида фаол иштироки таҳсинга лойиқ. Фан олимпиадалари, билимлар беллашувидagi иштироки билан нафақат вилоят, балки республика босқичида ҳам юқори натижаларни қўлга киритиб келмоқда. Ёшларнинг келажакда бирор касб-ҳунар эгаси бўлиб, юртимиз равнақига ўз ҳиссасини қўшиши учун давлат тилининг ўрни беқиёс. Ўйлайманки, бу жабҳада бизнинг ўқувчилар ҳар томонлама таълим стандартларига жавоб бера олади.

Тил чиндан ҳам олам алломалари уқтирганидек, дунёни билиш, эшитиш, идрок этиш тарзидир. Ер юзидаги тилларнинг ҳар хиллиги улардаги товушларнинг ҳар хил ёки бир-бирдан фарқлиги эмас, балки ана шу тарзнинг бир-бирдан фарқлигидир. Биттадан ортиқ тилни билиш қобилияти кишига бир нарсани бир неча томондан кўриш имкониятини беради. Шунинг учун ҳам франтуз адаби Анатол Франц «Кўп тилни билмиш бир қулфга тушадиган бир неча калитга эга бўлиш билан баробардир», деган ҳикматини айтган. Дунё тилимотини эгаллашда, давлатлар маданияти, урф-одатлари билан танишишда кўп тилни билиш муҳим.

Тарихдан маълум, аждодларимиз ҳам кўп тилларни билишга интилган. Ҳатто, тарихий китобларда Форобийнинг 72 тилни билгани ҳақидаги маълумотлар мавжуд. Аммо ўз она тилини унутиб ўрганилган тил нафақат биргаликда иккинчи тил сифатида ўзбек тилининг ҳам фалокатидир. Маънавияти, миллий шууридан ҳам мусово бўлиши тайин. Бундай шахс ўз-ўзидан миллат инқирозига йўл очувчи ҳисобланади.

Ўзбек тилининг қўлланиш доираси қонунан кенгайтириб қўйилган. Лоқайдлик ва беписандлик қилиб, бу доиранинг торайишига сабаб бўлмайлик. Ҳар бир соҳа вакили ўзининг ваколати доирасида давлат тилининг умрбоқийлиги учун ҳисса қўшса, мақсадга мувофиқ ва унга янада эртарақ эришамиз.

Муножат МУРАДОВА,
Тошкент вилояти
Ангрэн шаҳар
17-умумий ўрта таълим
мактаби ўзбек тили фани
ўқитувчиси



Айни пайтга қадар Андижон шаҳар ҳокими вазифасини бажарувчи сифатида ишлаб келатган Баҳромжон Носирбоевич Ҳайдаров шаҳар ҳокими вазифасига тайинланди.

Ўзбекистон экологик партиясининг ташкил топганига кўп вақт бўлгани йўқ. Шу вақт ичида партия раҳбарияти, унинг аъзолари фарзандларимизга табиатни севиш, экологик маданиятни ошириш, маънавий дунёқарашини шакллантириш мақсадида турли хайрли тадбирлар ўтказмоқда.

Поездлар мозийдан садо берар

Ана шундай тадбирлардан бири партиянинг Тошкент шаҳар бўлими томонидан «Ўзбекистон темир йўллари» акциядорлик жамияти

ҳамкорлигида Темир йўл техникаси музейида очик эшиклар куни ҳайрия тадбири бўлди. Тадбир иштирокчиларининг кўпчилиги 10 ёшдан — 20 ёшгача бўлган фарзандларимиз. Улар музейга қўйилган ўтин, кўмир, саярка, электр энергияси билан ишлаган 43 та техника воситалари ҳақида маълумотлар олди.

Айниқса, Тошкент Темир йўллари муҳандислик институти талабалари билган-билмаган техника воситаларини — паровоз, тепловоз, электровозларни кўздан кеңиб, ўзларини қизиқтирган саволларга жавоб олди.

Томоша чоғида 1914 йилда ишлаб чиқарилган буг билан ишлайдиган, улуг ватан уруши учун махсус яратилган паровоз кўпчилигининг диққатини тортди. Анча аввал тугатилиши режалаштирилган хайрия тадбири кечгача давом этди. Музейни айланар эканмиз, бир гуруҳ Россия Фе-

дерациясидан келган меҳмонлар билан ҳам суҳбатлашдик.

— Санкт-Петербург, Украина, Беларуссия, Болтиқ бўйи республикаларида ҳам шунга ўхшаш музейлар бор, — дейди Сергей Иванов. — Уларнинг ҳаммасида бўлганман. У музейгаги мавжуд техникаларнинг ҳолати ва сони бундан анча кам ва шарт-шароит бу даражада эмас.

Германиялик туристлар ҳам мана шундай ажойиб, мозийни акс эттирувчи масканимиз борлигидан ҳайратини яширишмади ва ташкилотчиларга ўз миннатдорлигини билдирди.

Бундай тарғибот тадбирлари партиянинг яқинлашиб келаётган сайлов жараёнидаги фаоллигини кўрсатади. Муҳими, бу ерга келганлар қанчалик маънавий озуқа олганининг ўзи таҳсинга сазовор.

Даврон АҲМАД,
«Жамият» мухбири,
муаллиф олган сурат.



«Ақлли шаҳар» — билим ва тажриба майдони

«Ўзбекистон — Германия 2019» илмий-тадқиқот дастурининг режасига биноан жорий йилнинг 1-11 октябры


Унинг асосий мақсади — университет профессор ўқитувчилари, Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги қошидаги соҳа кор-

хоналари ходимлари учун «SMART CITY» дастури бўйича халқаро тажриба алмашиш ва ҳамкорликни янада мустақамлашдианиборат.

Ушбу конференция Германия ва

Ўзбекистон олимлари, илмий тадқиқотчилар, ишбилармон ва жамоат ташкилотлари, илмий-тадқиқот институт ҳамда университетлари вакиллари учун билим, тажриба алмашиш, халқаро ҳамкорлик ўрнатиш учун катта имконият яратади.

Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги матбуот хизмати.



кунлари Германиянинг Олденбург университети, Тошкент ахборот технологиялари университети ҳамда унинг Саманқанд, Нукус ва Урганч филиаллари ҳамкорлигида ТА-ТуДа «SMART CITY» мавзuida халқаро конференция бўлиб ўтмоқда.

ЭЪЛОН

«SURXON RIELTOR SERVIS» МЧЖ очик аукцион савдоларига таклиф этади

2019 йил 11 ноябрь куни соат 11:00 да Термиз шаҳри С.Оллоҳёр кўчаси ёқасида бошланғич баҳоси ошиб бориши тартибида ўтказиладиган очик аукцион савдосига «Термиз нефть база» масъулияти чекланган жамиятига тегишли бўлган мулклар қўйилмоқда.

1. Қизириқ туман Олмазор ҚФЙ «Қалдирғоч» маҳалласи ҳудудида жойлашган умумий майдони 973,31 квадрат метр бўлган «37-сонли ФЭТШ» маъмурий ва хўжалик бинолари мажмуа ҳолда қўйилмоқда. Бошланғич баҳоси: 35 637 444 сўм.

Савдода иштирок этишни хоҳлаган талабгорлар объект билан «Термиз нефть база» масъулияти чекланган жамияти масъул ходими орқали танишишлари мумкин.

Аукцион савдосига қатнашиш учун талабномалар хабарнома чиққан кун яъни 2019 йил 8 ноябрдан бошлаб, ҳар куни (дам олиш ва байрам кунларидан ташқари) Термиз шаҳри С.Оллоҳёр кўчаси ёқасида соат 9:00 дан 18:00 гача қабул қилинади.

Юқоридаги мулклар 2019 йил 11 ноябрдаги аукцион савдосида сотилмаган тақдирда ёки савдо ғолиби белгиланган муддатда шартнома имзолашдан бош тортса, шартнома имзолангандан сўнг шартнома шартларини бажармаса, такрорий аукцион савдоси 2019 йил 20, 29 ноябрь, 13, 27 декабрь кунлари соат 11:00 да бўлиб ўтишини олдиндан маълум қиламиз.

Аукцион савдоси ғолиби савдо ўтган кундан бошлаб, 5 (беш) календар кун ичида сотувчи билан олди-сотди шартномасини тузиш ва шартнома тузилган санандан бошлаб, томонлар келишувига асосан мулкнинг сотилиш баҳосини тўлаб бериш мажбуриятини олади.

Аукцион савдоларида қатнашиш истагини билдирган жисмоний ва юридик шахслар закатат келишуви тузилганидан кейин, объект бошланғич баҳосининг 10 (ўн) фоизи миқдорида «SURXON RIELTOR SERVIS» МЧЖнинг ХАБ «Траст банк» Термиз филиалидаги (МФО:01063. ИНН:304558702), 2020 8000 3007 1118 3001 ҳисоб рақамига закатат пули тўлашлари ва закатат пули тўланганини тасдиқловчи ҳужжат билан бирга қўйидаги ҳужжатларни тақдим этишлари шарт:

Жисмоний шахслар: фуқаролик паспорти, СТИР (Солиқ тўловчининг идентификация рақами);
Юридик шахслар: Давлат рўйхатидан ўтганлиги тўғрисидаги гувоҳнома нусхаси, агар ваколатли шахс қатнашса, ўрнатилган тартибда расмийлаштирилган ишончнома, унинг шахсини тасдиқловчи ҳужжат илова қилинган ҳолда СТИР (Солиқ тўловчининг идентификация рақами).

МУРОЖААТ УЧУН МАНЗИЛ:
«SURXON RIELTOR SERVIS» МЧЖ
Термиз шаҳри С.Оллоҳёр кўчаси ёқаси.
Телефон: (76) 223-77-83.
Хизматлар лицензияланган.
Лицензия RR -0291.

2019 йил 11 ноябрь куни соат 11:00 да Термиз шаҳри С.Оллоҳёр кўчаси ёқасида очик аукцион комиссияси иштирокида мулкнинг бошланғич баҳоси қадам-ба-қадам ошиши тартибида ўтказиладиган очик аукцион савдосига қўйидаги 100 оилали асалари қўйилади.

«Термиз нефть база» масъулияти чекланган жамиятига тегишли бўлган Денов тумани «Сангарлак» маҳалласида жойлашган 100 оилали асалари оиласи:
Бошланғич баҳоси: 62 684 100 сўм.

100 оилали асалари билан «Термиз нефть база» масъулияти чекланган жамияти вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин.

Юқоридаги мулк 2019 йил 11 ноябрдаги аукцион савдосида сотилмаган тақдирда ёки савдо ғолиби белгиланган муддатда шартнома имзолашдан бош тортса, шартнома имзолангандан сўнг шартнома шартлари бажарилмаса, такрорий аукцион савдолари 2019 йил 20, 29 ноябрь, 13, 27 декабрь кунлари соат 11:00 да бўлиб ўтишини олдиндан маълум қиламиз.
Аукцион савдосига қатнашиш

учун жисмоний шахслардан паспорт нусхаси, юридик шахслардан таъсис ҳужжатлари, агар ваколатли шахс қатнашса, ўрнатилган тартибда белгиланган ишончнома тақдим қилиши лозим.

Аукцион савдосида қатнашиш учун харидорлар закатат пули тўғрисида келишувни имзолаб, закатат пулини тўлаган харидорлардан аризаларни қабул қилиш савдо бошланишидан 3 (уч) соат олдин тўхтатилади.

Талабгорлар «Закатат пули тўғрисидаги келишув»ни имзолагандан сўнг объект бошланғич баҳосининг 15 фоиздан кам бўлмаган миқдорида закатат пулини «SURXON SAVDO INVEST» масъулияти чекланган жамиятининг Х/р:20208000100512709001. ИНН: 303477661 ХАБ «Траст банк» Термиз филиали МФО: 01063 ҳисоб рақамига тўлашлари ва қўйидаги ҳужжатларни икки нусхада топширишлари керак жисмоний шахслар паспорт нусхаси, закатат пули тўланган ҳақида тўлов ҳужжати, ваколатли шахс қатнашса, ўрнатилган тартибда расмийлаштирилган ишончнома.

Қўшимча маълумотлар учун манзил: Термиз шаҳри С.Оллоҳёр кўчаси ёқаси.

Телефон: (76) 223-77-83
Гувоҳнома №903



Жорий йилда ҳар бир сайлов округидаги ўртача сайловчилар сони 137 минг 279 нафарни ташкил этмоқда.

**ДАВЛАТИМИЗ РАҲ-
БАРИНИНГ 2018 ЙИЛ 29
МАРТДАГИ «ОБОД ҚИШ-
ЛОҚ» ДАСТУРИ ТЎҒРИ-
СИДА»ГИ ФАРМОНИ
БИЛАН МАМЛАКАТИМИЗ-
ДАГИ ҲАР БИР ТУМАН
(ШАҲАР)ДА ИККИТАДАН,
2019 ЙИЛДАН ЭСА УЧТА-
ДАН ҚИШЛОҚ (МАҲАЛЛА)-
ДА ДАСТУР ДОИРАСИДА
КЕНГ КЎЛАМЛИ ИШЛАР
ОЛИБ БОРИЛИШИ БЕЛ-
ГИЛАНГАН ЭДИ.**

**17 йил — 6 миллиард
АҚШ доллари**

Маълумки, 2018 йилнинг апрель ойидан ҳукуматимиз томонидан «Обод қишлоқ» дастури доирасида 159 тумандаги 400 дан ортиқ қишлоқ аҳолисининг яшаш шароитини яхшилаш, бу қишлоқларда янгича услубда қурилиш, таъмирлаш ва ободонлаштириш ишларини амалга ошириш, янги иш ўринларини ташкил этиш каби эзгу мақсадлар амалга ошириб келинмоқда. Бу жараёнда ҳар бир қишлоқни обод қилиш учун ўртача 750 минг АҚШ доллари миқдорига маблағ сарфланади. Мамлакат бўйича ушбу ишни амал-



— деди лойиҳани амалга ошириш гуруҳи раҳбари Зафар Узоқов. — Бунда жамоатчилик назорати, аҳолининг фикри, маҳалла фаоллари иштироки ҳамда нодавлат нотижорат ташкилотлари фаоллиги муҳим ҳисобланади. Лойиҳа Фарғона, Наманган, Андижон, Сирдарё ва Жиззах вилоятларининг 21 туманидаги 400 дан ортиқ қишлоқда татбиқ этилади. Талаб мезонларига кўра, унда танланган қишлоқлар иқтисодий жиҳатдан орта қолгани, «Обод қишлоқ», «Обод маҳалла» ва «Обод марка» каби дастурларга киритилмагани, қишлоқнинг марказдан узоқ масофага жойлашгани ва тоза ичимлик суви билан таъминланмагани инобатга олинди.

хурсанд бўлди, — дейди Андижон вилояти Пахтаобод туманидаги «Соҳил» маҳалла фуқаролар йиғини котиби. — Экспертларга маҳалламиз фаоллари ўз кўли билан чизган харитани кўрсатдим. Унда аҳоли учун энг зарур бўлган эҳтиёжларни баён қилдим. Қишлоғимизда 440 хонадон мавжуд. Уларда 2 минг 600 нафардан ортиқ аҳоли истиқомат қилади. Маҳалламиз кўп миллатли бўлса-да, аҳоли аҳил ва иноқ яшайди. Лекин ҳудудимизда ўз ечимини кутаётган муаммолар талайгина. Хусусан, ичимлик суви ва электр энергия таъминоти яхши эмас. Маҳаллада мактаб йўқлиги боис болалар 1,5 ва 4 километр йўл босиб, туман ҳудудидаги бошқа мактабларга қатнайди. Стадион эса уларнинг кўп йиллик орзуси. Маҳалла йўллари ҳам бир аҳволда. Умид қиламизки, бундай саъй-ҳаракатлар «соҳилик»ларга барча қулайликларни олиб келади.

**Ҳар ишнинг
ўз вақти бор!**

Мана, юртдошларимиз учун яна бир қулайлик. Мазкур янги ташкил этилган гуруҳ ишлаб чиққан лойиҳа доирасида нафақат янги масканлар барпо этилади, шунинг баробарида камчиликлар ҳам бартараф этилади. Бу юртимизда оқилона сиёсат олиб борилаётганининг яққол дилли эмасми? Ҳар бир иш битишининг ўз вақти-соати бўлганидек, юқорида айтиб ўзганимиз, камчиликлар ҳам босқичма-босқич ҳал этиб борилади. Бунда сизу биздан нима талаб этилади? Албатта, сабр, матонат ва кучли ирода. Негаки, бундай камчилик ва муаммолар йиллар давомида йиғилиб қолган эди. Буни «Шу тариқа давом этверганида нима бўларди», деган саволни ўзимизга бериб кўрсаккина тушуниб етамиз. «Нарги қишлоқ обод бўлди, бизники қопкетти, у вилоятда янги-янгилар билан

«ОБОД қишлоқ», маҳалла», марказ»

айни пайтда белгиланган вазифалар қай тарзда амалга ошириляпти?

га ошириш учун эса тахминан 17 йил муддат ҳамда 6 миллиард АҚШ доллари талаб этилар экан.

Иқтисодиёт ва саноат вазирлигининг «Обод қишлоқ» дастури ижроси бўйича берган маълумотига кўра, 2018 йилда жами 417 қишлоқда бунёдкорлик ишлари амалга оширилган. 2019 йилда 478 қишлоқда қурилиш, таъмирлаш ва ободонлаштириш ишлари бажарилмоқда.

Ушбу давлат дастурида халқаро молия институтлари, жумладан, Жаҳон банкининг иштироки ҳамда халқаро тажрибани татбиқ этиш бўйича Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги ҳузурида Лойиҳани амалга ошириш гуруҳи ташкил этилган.

— «Ўзбекистоннинг обод қишлоқлари» лойиҳасини ишлаб чиқиш ва тақдим этишда гуруҳимиз фаол иштирок этди,

Ушбу давлат дастурида халқаро молия институтлари, жумладан, Жаҳон банкининг иштироки ҳамда халқаро тажрибани татбиқ этиш бўйича Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги ҳузурида Лойиҳани амалга ошириш гуруҳи ташкил этилган.

**Лойиҳанинг
мақсади нима?**

Ушбу лойиҳанинг умумий қиймати 183,6 миллион АҚШ доллар. У Жаҳон банки ва Осис инфратузилмавий инвестициялар банки молиявий кўмагида амалга оширилди. 2020–2024 йилларга мўлжалланган лойиҳада нафақат танланган қишлоқлар инфратузилмасини яхшилаш, балки унинг ижроси доирасида тендер тенглиги масаласи, меҳнат ҳуқуқи, яъни ҳокимликлар ва МФЙ аъзоларига меҳнат амалиётлари бўйича мунтазам тренинглар ўтказиш, аниқланган ҳар қандай ҳолат бўйича мониторинг ва ҳисобот юритиш ҳамда меҳнат ҳуқуқлари бўйича жамоатчиликни хабардор қилиш, шу билан бирга қайта алоқа тизимини жорий этиш жиҳатларини эътиборга олиш ҳам кўзда тутилган.

— Лойиҳа ижроси учун ҳудудимиз таллаб олингандан маҳалламиз аҳли

анча илғорлаб кетган. Қачон бизга юқоридагиларнинг кўзи тушаркин, нега бизнинг аҳволимизни ҳеч ким сўрамайди», деган нолишлар болалаб кетди. Шунинг тўғри аниқлашимиз керакки, буларнинг бари бир кун эрта, бир кун кеч, албатта, ўз ўрнига тушиб кетали. Унганча халқимизни менталитетимизга хос бўлган одоб-ахлоқ, андиша, сабр-тоқат тушунчалари тарк этмаса бас.

Сабр — нафс истагини бажо келтириш учун уни ўз ихтиёрига қўймасликдир. Умуман олганда, ёқтирмаган нарсаси устида нафсини ушлаб туриш сабр ҳисобланади ҳамда ҳалимлик, чидам ва бардошдан кўра кенгроқ маъно касб этади. Ибодатта ҳам сабр-тоқат керак. Ўз навбатида, маъсиятдан сақланиш учун ҳам сабр-тоқат лозим. Бир мусибат етганда ҳам сабр-тоқат зарур бўлади. Шундай экан, Яратган ҳеч биримизни бундай тушунчалардан мосуво етмасин!

**Нуриддин УБАЙДУЛЛАЕВ,
«Жамият» мухбири**



**НОЛБАС
ЭЪЛОС**

Саидов Сарвар Хайруллоевичга Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети томонидан 2014 йил 21 июнда берилган 1512 рақами билан рўйхатга олинган диплом ва илова, шунингдек, шу университет томонидан 2017 йил 24 июнда берилган 53 рақами билан рўйхатга олинган Магистрлик дипломи иловаси йўқолгани сабабли БЕКОР ҚИЛИНАДИ.



Хоразм вилояти ҳокими Андижондан Мўйноққа пиёда йўлга чиққан Соҳиб Ражабов билан учрашди.

Туя сути шифоми?

БИРОҚ ТУЯЛАР НИМАНИ ЁҚТИРАДИ, УЛАРНИНГ ЯШАШ ТАРЗИ ҚАНДАЙ, ЎЗИГА ХОС ХИСЛАТЛАРИ БЎЛИШИ ҲАҚИДА ҲАММАМИЗ ҲАМ ЎЙЛАБ КЎРАВЕРМАЙМИЗ. БУЛАР ҲАҚИДА АДОҚСИЗ ЯЙЛОВЛАРДА ОТ ЧОПТИРИБ, ТУЯ СОҒИБ ЮРГАН КОНИМЕХЛИК НУРСИФАТ ПАШШАЕВА СЎЗЛАБ БЕРДИ.

— Туяларнинг ўзига хос айрим жиҳатлари борки, бошқа чорва молларига сира ҳам ўхшамайди, — дейди Нурсифат. — Мисол учун, улар тозаликни ва тартибни ёқтиради. Соғиш учун борганимизда, албатта, таҳорат қилиб, ювиниб борамиз, бўлмаса, яқинига йўлатмайди. Туялар ҳам бўталоқлар ҳам соғиш вақтимизни яхши билади. Шу боис, соат миллари аниқлигида кетма-кетликда соғиш жойига келиб туради. Соғиб бўлганимиздан кейин онаси ўз жойига, боласи ҳам белланган жойга боради. Агарда тартибни бузиб, кечикиб боргудек бўлсак, соғдирмайди. Сут бермай қўйиши ҳам мумкин. Агар туялар истаган вақтида озукланмаса, сутига таъсир қилади. Зеро, туя сутининг мазаси қандай озук билан озуклангани ва ичган сувининг сифатига қараб ўзгаради.

Туялар саҳрода бўлса, кунига уч маҳал соғиш мумкин. Бироқ Конимех туманидаги «Конимех Қизилкум шу-



бат» масъулияти чекланган жамияти яқинда ташкил этилгани, туялар кўпроқ бир жойда тургани боис икки маҳал соғилади. Бир тарафда бўталоқлар, бир тарафда соғувчилар...

— Одатда сигирлар соғилганда буюқларни боғлаб қўйса бўлади, — дейди Нурсифат. — Туяларнинг бўйни

узун, ип билан боғлаб бўлмайди. Бўйни эгри бўлгани билан кўнгли нозик. Шунинг учун соғувчи чаққон ҳаракат қилиши керак, йўқса, боласи эмиб қўяди. Энг қизиги, улар кайфиятингизни билади. Яхши кайфиятда борсангиз, яхши кутиб олади. Бўлмаса, жаҳл қилиши мумкин. Яна бир тарафи — туялар боқувчисига ва унинг либосига ўрганиб қолади. Бошқа оламни яқинлаштирамайди. Либос ўзгарса ҳам тихирлик қилишни бошлайди. Ҳидлаб кўради.

Айтишларича, туялар ёзда 10 литргача сут берар экан. Аммо бошқа мавсумда икки-уч литрга тушиб кетаркан. Айни вақтда корхонада кунига 17 туя соғилиб, 30 литр сут олинмоқда.

— Оч қоринга қатигини, тўқ қоринга сутини ичиб бўлмайди, — дейди Нурсифат. — Агар организмнинг касалликларга қарши чидамлилиги паст бўлса, жигар, саратон каби касалликларда ҳам даво сифатида қўлланилади. Ҳар кун туяларни соғишимизни кутиб турадиган миҳозларимиз бор. Сотувдан қолган сут бир кун ўтиб шубат, яъни қатиқ қилинади. Шубатни етти кун сақлаш мумкин. Турган сари фойдаси ортади.

Маълумотларга кўра, туя суту табиий, тоза асал билан ичилса, гижжаларни йўқотиб, меъда-ичак тизимидаги яраларни тўзатар экан. Янги соғилган туя суту гастритга даво ҳисобланади.

Шунингдек, сил касаллиги ва пневмония (зотилжам)да ҳам табиблар туя сутини ичишни тавсия этишади. Шакар билан аралаштириб ичилган туя суту тери рангини тиниқ ва чиройли қилади, ажинларни текислайди.

Атрофда юрган ранг-баранг, катта-кичик йигирмага яқин туяни кузатамиз. Улар ҳар кунги 100 гектардаги яйловда ўтлатиб келинар экан. Шунингдек, улар парваришланаётган жойда сомон ва беда каби ўтлардан захира гамлаб қўйилган.

Одатда бошқа чорва моллари ёнига озукаси уюб қўйилмайди. Улар бўкиб қолиши мумкин. Туяларда эса бундай бўлмайди. Бу ақлли жониворлар метъерни яхши билади.

Сайёра ШОЕВА,
ЎЗА

Жамоатчилик назорати

“Проездной” тдан олинмади

Янги ўқув йили бошланиб, ўқишга, ишга шошаётганлар кўп. Курсдошларим билан барвақт туриб, бекат томон югурамиз, акс ҳолда дарсга кеч қолишимиз турган гап. Манзилга 17, 19 йўналишли автобусларда етиб оламиз. Биз талабалар учун ойлик йўл чиптаси қулай. Эндигина ўқишни бошлаганимиз учун ҳали талабалик гувоҳномаси олмадик. Чунки супер контрактга кирганлар бироз кечроқ гувоҳнома оларкан.

Ўқишдан қайтаётган эдим. Автобус чиптачиси ойлик йўл чиптам ўтмаслигини айтиди. Сабаби талабалик гувоҳ-



номам йўқлиги эмиш. Уларга қанча тушунтирмай, фойдаси бўлмади. Аксига олиб, пулимни ҳам ишлатиб қўйгандим. «Бўлмаса тушиб кет» деб бақира кетди. Етмаганига бошқа бу автобусга чиқмаслигимни ҳам тайинлади, ғазаб билан. Орқамда кетаётган талабаларда ҳам шундай экан. Нима қилишни

шини ҳам таъкидлади. Умид қиламизки, айрим ҳайдовчи ва чиптачилар ўз вазифасини тўла англаб етади ва бу каби дилхираликларга чек қўйилади.

Гулҳаё ҲУСАНОВА,
талаба

Ўзбекистон миллий терма жамоаси ЖЧ саралаш иккинчи босқичи учинчи турида Яманни қабул қилди ва йирик ҳисобда галаба қозонди.

Б-ҲАВО	
11 октябрь	+23°C / +8°C
12 октябрь	+24°C / +10°C
13 октябрь	+27°C / +10°C
14 октябрь	+17°C / +7°C
15 октябрь	+21°C / +10°C
16 октябрь	+22°C / +9°C
17 октябрь	+24°C / +9°C

ob-havo.uz сайтидан олинган.

ЖАМИЯТ

Муассислар:
Фуқаролик жамияти шаклланиши мониторинг қилиш мустақил институти.
Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси.
Ўзбекистон Нодавлат нотижорат ташкилотлари миллий ассоциацияси.
Ўзбекистон Мустақил босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди.
Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси.
«Маҳалла» хайрия жамоат фонди.
Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал-демократик партияси.
Ўзбекистон экологик ҳаракати.
Ўзбекистон Республикаси Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси.
«Фуқаролик жамияти — Гражданское общество — Civil society» журнали.

Бош муҳаррир
Максуд ЖОНИХОНОВ

Таҳрир хайъати:
Рустам Комилов
Рустам Қосимов
Борий Алихонوف
Акмал Саидов
Шавкат Жавлонов

Газета таҳририятнинг компьютер бўлимида саҳифаланди.
«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмаҳонасида чоп этилди.
Манзил: Буюк Турон кўчаси 41.
Буюртма рақами Г-1014 Адади: 1402.
Жума кун чикади.
Қоғоз бичими А-3, ҳажми 2 босма табок, Баҳоси келишилган нарҳда.
Газета Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлигида 2006 йил 0010-рақам билан рўйхатга олинган.
ISSN 2010-7722

Навбатчи: Нуриддин Убайдуллоев

Дизайнер: Бегали Эшонкулов

100000, Тошкент шаҳри Матбуотчилар кўчаси 32.
Маълумот учун телефонлар:
(71) 233-72-77,
233-91-55
Реклама ва эълонлар учун:
Электрон почта: jamiyat@uamail.uz
Газета индекси — 131
«ЖАМИЯТ»дан олинган маълумотларда манба сифатида газета номи кўрсатилиши шарт.
ЎЗА яқини:
Топширилган вақти: 21.05
1 2 3 4 5 6

